
Туман сектор раҳбарлари аҳоли муурожаатларини ўрганди

Бугун Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашев туман секторлари раҳбарлари билан биргаликда навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Халқ қабулхонаси билан биргаликда ташкилланган фуқаролар қабулига туман ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳам жалб этилди.

Қабул давомида юртдошларимиз томонидан билдирилган даволаниш, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш, коммунал масалалар, кадастр, бандликни таъминлаш, имтиёзли кредит олиш ва тадбиркорликни ривожлантириш каби масалаларга оид йигирмага яқин муурожаатлари батафсил ўрганилди.

Айрим муурожаатлар қабул чоғидаёқ ижобий ечимини топди. Муддат талаб этадиган муаммолар бўйича ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб чоратадбирлар белгиланадиган бўлди. Қонуний ечимга эга бўлмаган масалаларга эса жойнинг ўзида жавоб қайтарилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ҳар бир муурожаат ижроси юзасидан муддат ва масъуллар белгиланиб, тегишлича назоратга олинди.

2024-10-17 16:57:16